

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 228 (10.281)

2004 ЙИЛ 23 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

Қисқа
сатрифта

● **ЗУЛФИЯ** номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг йиғилишида Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодларни саралаш бўйича кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар босқичини ўтказишга доир масалалар муҳокама қилинди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги «Ачаобод» маҳалласида фаоллар иштирокида ўтказилган тадбир «Оғохлик — давр талаби» деб номланди.

● **КЕЧА** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги «Зийёр» маркази томонидан тумандаги ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва лицейларининг «Камолот» сардорлари маъласини ошириш мақсадида «Семург» оромгоҳида ташкил этилган ўқув семинари низоёсига ўтди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 14-талабалар уйида университет хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Муҳаббатнинг саройи кенг» мавзuida уюштирилган учрашувда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси вакиллари ҳам иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетидеги талабалар учун «Маънавият ва маърифат» марказининг университет бўлими ташаббуси билан концерт уюштирилди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** 322-мактабда Сергели туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларидеги Чилонзор, Яққасарой, Миробод, Бектемир, Сергели туманлари мактаблари ўқувчилари ўртасида футбол беллашувлари, қизлар ўртасида баскетбол мусобақалари уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич, Кадри оғам,
Кўҳна Бухоро заминига ташриф чоғида мен ва Туркменистон делегацияси аъзоларига кўрсатилган илиқ ва лутфан қабул учун Сизга ўзимнинг самимий миннатдорлигим ва ташаккуримни ифтоҳ этаман.*

Туркменистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлашда Сизнинг алоҳида ўрнини биродарларча таъкидлаб ўтмоқчиман. Икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан тамомла янги поғонага кўтаришга қаратилган муштарак самимий интилишимиз, учта муҳим ҳужжатнинг имзоланиши дўстлик, ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини мустақамлашга хизмат қилди, айрим жузғий тафовутларни бартараф этишга имкон яратди. Бугунги кунда Туркменистон билан Ўзбекистон ўртасида баҳсли масалалар йўқ, биз қабул қилган қарорлар эса давлатларимиз ўртасидаги чегарани тинчлик ва дўстлик сарҳадига айлантиради. Келажак авлодлар учун

икки томонлама муносабатларнинг мустақам ҳуқуқий ва иқтисодий асосини барпо этади.

Қисқа, аммо гоёт мазмунли ташриф чоғида биз Ўзбекистонда туркман маданияти ва санъати юксак қадрланишидан мамнуният билан ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистон санъат усталарининг туркман кўшиқларини моҳирона ижро этишлари бизга улкан завқ бағишлади. Бунинг яна бир ёрқин далили — Тошкент шаҳрида ташкил этилган Туркменистон халқ-амалий санъати кўрсатмасидир.

Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич, Ўзгал мамлакатингизга ташриф чоғида бизга кўрсатган илиқ меҳмондўстлигиниз учун яна бир бор самимий миннатдорчилигимни қабул этгайсиз. Сизга мустақам соғлиқ, бахт, серқирра фаолиятингизда зафарлар, биродар ўзбек халқига эса тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.


*Самимий эҳтиром ила,
Сапармурод НИЁЗОВ
Туркменистон Президенти*

УСТА ВА ШОГИРД

Ўзгаллиги, бежиримлиги, гоёт мустақамлиги, нозиклиги билан асрлар оша яшаб келадиган, кишиларни хайратга солаётган мисгарлик (кандакорлик) санъати халқ истеъдодининг намунасидир. «Устазода» амалий санъат корхонасининг устаси Маъсуд Мадалиев 3 нафар фарзанди билан ана шу соҳанинг тақрибали мутахассисидир.

— Сулоламизнинг ишини давом эттираётган отам Маҳмуд бобом Муҳаммад Али ҳам шу касбнинг фидойилари бўлишган, мен ҳам шу касбни эъзозлаб келяпман, — дейди уста.

Дарҳақиқат, устанинг 300 йиллик авлодлари ҳам мисгарлик билан шуғулланишган экан. Бир касбнинг фидойиси бўлиш, уни эъзоз-



лаш авлодларга ҳурмат, касбга соддиқлик ва уни қадрлаш, ана шундай инсонлардан ўрганиш керак.

СУРАТДА: «Устазода» амалий санъат корхонасининг

устаси Маъсуд Мадалиев ўғли Фаррух билан иш устида.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Обуна — 2005

«ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб муталаа қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига 2005 йил учун обуна кизгин давом этмоқда. Буни тахририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмунли деб билган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.

Албатта, қарс икки кўндан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета ва журналлар қатори «Оқшом» тахририяти ҳам ўз ихлосмандларининг тақлиф ва истақларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги руқналар остида ранг-баранг мақолалар билан ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай

экан, сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфир ва маслаҳатгўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кундан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563.

XXI сағоси
Хаср Барча мавбалирлов
оикитган суғити хабарлар

Мамлакатимизда:

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида театр санъати фахрийлари, дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилотлар, миллий маданий марказлар, жамоатчилик вакиллари, санъатшунослар ва ижодкор ёшлар иштирокида Меҳр ва муруват йилга бағишланган кеча ўтказилди.

● Шарқий ҳарбий округ сержантлар мактабида навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизга АҚШ ҳуқуқати томонидан «Соғлом оила» лойиҳаси доирасида қиймати 500 минг АҚШ долларлик тиббиёт асбоб-ускуналари топширилди. Тақдимот маросимида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси, «Project HOPE» ноҳуқумат ташкилоти ҳамда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари иштирок этди.

● Республика Киночилар уйида «Ўзбекино» Миллий агентлигининг илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида яратилган, Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Армон» ҳужжатли видеофильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Жаҳонда:

● Пекинда Европа ва Осиёнинг ўн икки давлати транспорт вазирларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда вазирлар Хитойнинг Шанхай ва Сиан шаҳарларидан бошланган «Ипак йўли» Марказий Осиё орқали Эронга етиб бориши борасида келишиб олишди.

● Чехия 140 йил давомида мавжуд бўлган умумий ҳарбий мажбуриятни бекор қилди — мамлакат Президенти Вацлав Клаус Чехия қуроли кучлари фақат профессионал асосда шаклланишини кўзда тутувчи конунга қўл қўйди.

● Италия бош вазири Сильвио Берлускони мамлакатда мuddатидан олдин парламент сайловлари ўтказилиши мумкинлигини билдирди.

● Мисрдан сўнг Исроилга қизил чигирткалар галаси ҳужуми хавф туғдирмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида самолётлар воситасида тегишли майдонларга пестицидлар орқали ишлов берилди.

● Ўтган асрнинг ўрталарида машхур Ла Скала театрида фаолият кўрсатган опера кўшиқчиси Мария Калласга тегишли бўлган қимматбаҳо тақиниқлар Женева шаҳридаги Sotheby's ким ошди савдосида сотилди.

Иқтисодий

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Rigan Silk Ltd» корхонасида тайёрланаётган ипак газламалар ҳамда 100 фоиз ипакдан тикилаётган галстук (бўйинбоғ)лар сифати ва рақобатбардошлиги билан хорижикидан асло қолишмайди.

Ўтган йилда ўз фаолиятини бошлаган фирма цехлари Италиядан келтирилган юксак унумли линия ва дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, улар ёрдамида йилига 95 минг погон метр ипак матолар ҳамда 350 минг дона ипак галстуклар тайёрлаш имконияти мавжуд.

Ушбу қўшма корхона Ўрта Осиёда турли маҳсулотлар тайёрлаш учун ипак матолари ишлаб чиқарадиган ягона жаммоа ҳисобланиб, цехларда ма-лакали мутахассисларнинг ма-хорати ва юксак технологиялар асосида тикилаётган галстуклар ҳар қандай харидорга ҳам маъқул келади.

Хозирда ҳар бир ипак ма-тога босиладиган турли на-қшлар корхонанинг уста ди-зайнерлари томонидан изла-нишлар асосида яратилади. Ушбу нақш ва суратларда ран-глар жилосидан кенг фойда-ланилади. Корхона ишчи-хиз-матчилари Италиядан таклиф этилган 20 нафардан зиёд ма-лакали мутахассислар ёрдами-да махсус тайёргарликдан ўтганлари боис ҳам дастгоҳ-ларни бошқаришда ва сифат-ли маҳсулот тайёрлашда му-ваффақиятларга эришилмоқ-да.

Цехларда ишлаб чиқарила-ётган ипак матолари, классик услубдаги галстуклар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидорлиги билан аж-ралиб туради. Шунингдек, тад-биркор жамоа ахли корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлири, ҳарбийлар учун ҳам галстук турларини тайёрламоқда.

ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

«ROSSINI» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига эндигина 3 ойдан ошди, лекин корхона ўз харидорлари сафини сифатли маҳсулотлари билан кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Тадбиркорларга яратилган шарт-шароитдан, моливий қўмақдан фойдаланиб 30 мил-лион сўм кредит олган тадбир-корлар макорон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун Россия-дан ускуналар келтиришди ва 4 киши иш билан таъминлан-ди.

Айни кунларда корхона цех-ларида 5 хил турдаги макарон маҳсулотлари тайёрланиб, ха-ридорлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда 400 грамм, 2, 5 ва 15 килограммик идишлар-да қадокланмоқда.

— Асосий эътиборни маҳсу-лот сифатини таъминлашга қаратганмиз, — дейди корхо-на раҳбари Абдумалик Абду-жанов. — Хозирда пойтахти-миздаги савдо шохобчалари билан шартномалар тузаял-миз. Маҳсулот турларини кўпайтириш устида ҳам ишла-ялмайиз. Олинган кредитни 2 йил мобайнида қайтариб, иш-лаб чиқаришни аянда кенгай-тиришга, қўшимча ишчи ўрин-лари яратишга ҳаракат қила-миз.

Шарофат БАХРОМОВА

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

Сайловлар ва биз

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШМОҚДА

Маълумки, тафаккуримиз, қонунга эътиқодимиз, адолатга ишончимизни синовдан ўтказадиган кун — 26 декабрь, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказиладиган кунга ҳам оз фурсат қолди. Юртимизда кезаётган сайлов нафаси гўё ҳар бир юрtdошимизни бирлаштириб тургандек. Чунки корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида бўлиб ўтаётган сайловолди учрашувлари, давра суҳбатлари ва тадбирларда: икки палатали парламент қандай иш олиб боради, сенаторнинг вазифаси нимадан иборат, кимни сайласак халққа кўпроқ нафи тегади, каби саволларга жавоб изланмоқда. Айниқса биринчи марта сайловда иштирок этиб, ўзи маъқул топган депутатга овоз беришга чоғланаётган ёшларнинг ҳаяжонини тушуниш мумкин. Улар жиддий ва масъулиятли синов олдида турибдилар. Биз Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб, талаба-ёшларнинг бўлажак сайлов ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдик.

Юлдуз РИЗАЕВА: — Мен бу йил энг катта орзуимга эришиб, ўзим ният қилган уни-верситетга ўқишга жойлашдим, талаба-ёшлар қаторидан ўрин олдим. Демак эртага менинг ўз соҳамнинг билимдони бўлиб ётишим учун шарт-шароит, қулай имкониятлар яра-тишга нафи тегадиган, ёшларнинг муаммо ва камчиликларини ечишга ёрдам берадиган депутатга овоз беришим керак. Бугунги кун-гача сайловлар, икки палатали парламент ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Респуб-ликаимизда фаолият юритаётган бешта сиё-сий партиянинг дастурлари билан танишдик. Менинг фикримча депутатлар ичидан энг му-носиб, эл-юрт ичида обрў-эътиборга эга бўлган, халққа нафи тегадиган инсонларни тўғри танилаб, овоз беришимиз керак.

Уллубек ЁРМАТОВ: — Сайловолди учра-шувларида иштирок этиб ўйлаб қолдим. Икки

палатали парламентга ўтишимиз ҳаётимизда-ги жуда катта воқеа. Халқнинг хоҳиш-иродаси билан сайланган депутатларгина биз кутаёт-ган орзу-ниятларни амалга оширади. Ҳар бир сайловчи ўз зиммасидаги мана шу масъу-лиятни ҳис этса, албатта энг муносиб номзод кўп овоз олишга эришади.

Мен илк марта овоз беришим ва ўша бир-гина овоз кимнидир тақдирини ҳал қилишини ўйласам ҳаяжонланиб кетаман.

Феруза УМРЗОКОВА: — Тушунишимча, сайланадиган депутат албатта ўқимишли, ма-даниятли, энг асосийси эса халқнинг дарди, қувончи, яхши-ёмон кунларини биладиган ин-сон бўлиши керак. Қанча муаммоли масала-лар, ечимини кутиб турган камчиликлар бор. Бугунги сайланган депутат эртага халқ ишон-чини оқлаши керак. Бешта сиёсий партиялар халқ олдида содда, раён қилиб ўз сайловол-

ди дастурлари, мақсад ва вазифаларини ту-шуштириб беришлари керак. Халқ ўзи танила-олади. Мен ҳам ишончимни қозона олган де-путатга овоз бераман.

Талаба-ёшлар билан суҳбатлашиб шунга амин бўлдикки, улар эртага бўла-диган сайловларга бефарқ эмас. Узро баҳс-мунозаралар ҳам уларнинг фаоли-гини кўрсатиб турибди.

Юртимиздаги овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро, хоҳ у ёш, хоҳ катта бўлсин ўз зиммасидаги юксак масъ-улиятни ҳис қилиб, эртанги истиқбол-миз учун депутатларни чертиб-чертиб танлар экан, муносиблар ичида энг му-носиб вакилнинг ўз ўрнини топишига ишонгимиз келади.

Дилфуза СОДИҚОВА
ёзиб олди.

Бунёдкорлик

МАДАНИЯТ МАСКАНИ ҚАЙТА ҚУРИЛМОҚДА

«Бинокор» қурилиш — лойиҳа компанияси бунёд-корлари ўзларининг сифат-ли ва қафолатли меҳнатла-ри билан муваффақият қозонаётгани боис ҳам тен-дер савдоларида қурилиш объектларини қуриш учун голбиликни қўлга кирита-ётган бўлса ажаб эмас.

Бир неча йилдирки, улар пойтахтимиздаги бунёдкорлик майдонларида ғайрат кўрсатишмоқда. Охунбобоев номи тиббиёт коллежи, С.Раҳимов туманидаги спорт-соғломлаштириш маркази ана шулар жум-ласидандир. Шунингдек, хозирда компаниянинг 40 на-фардан зиёд илгор қурувчилари, мохир усталари «Ўзбеки-стон темир йўллари» давлат ак-ционерлик темир йўл компания-сининг бюортмасига кўра мар-казий Темирйўлчилар мадания-ти саройи биносини қайта қуриш ва пардозлаш ишларини олиб боришмоқда. 1936 йилда тик-ланган ушбу муҳташам бинони



кўркам қурилиш ашёларидан самарали фойдаланилмоқда. Хозирда бинонинг эшик ва ром-лари ўзгартирилиб «Эмек иншо-от» хусусий фирмасида тайёр-ланган алюмин маҳсулотлар ўрнатилди, муҳандислик юмуш-лари бажарилди, ёритиш уску-

86 та хона ва битта катта томо-шалар зали мавжуд бўлиб, хозирда қурувчиларимиз асосий эътиборни ички пардоз ишла-рига қаратишган, — дейди қури-лиш участкаси бошлиғи Анвар-лиш Аблаёров. — Барча ишла-римизни режа асосида ташкил этганмиз. Ушбу қайта қуриш ишларига 1 миллиард 200 мил-лион сўмдан зиёд маблағ сар-флаш кўзда тутилган. Айни кун-ларда 60 фоиз ишларимизни ба-жариб қўйдик. Бу борада Абду-жалил Уринбоев, Орифжон Не-бихонов, Баҳодир Мирзахме-дов, Тоҳир Файзиев каби уста-ларимиз ўзига хос куч-ғайрат сарфлашмоқда.

Албатта, иншоот ён-атрофла-рини ободонлаштириш юмуш-лари ҳам кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда «Паркентсувқу-рилиш» трести ишчи-хизматчи-лари томонидан бунёд этилган 2 та улкан фаввора келгусида ўз жилосини атрофга таратади. Насиб этса темирйўлчилар ки-риб келаётган Янги йилда бунёдкорлар меҳнатидан бахра-манд бўлишди.

Дилноза ФИЁСОВА СУРАТЛАРДА: газлайванд-чилар Абдужалил Уринбоев ва Набижон Узоқов ҳамкор-ликда ишлашади; сувқоқчи Содиқ Тожибоев ўз ишининг

Ҳакимжон Солиқов
олган суратлар

САВДО ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбек-савдо» акциядорлик кампа-ниyasi биносига республика-миз ишлаб чиқарувчи корхо-налари томонидан озиқ-ов-қат маҳсулотларини 2005 йилда етказиб бериш учун истеъмолчилар билан шарт-нома тузиш мақсадида ул-гуржи-савдо ярмаркаси ўтка-зилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 октябрдаги «Яр-марка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарори талаблари иж-росини бажаришга қаратил-ган ушбу савдо ярмаркаси-да «Ўзбексавдо», «Ўзбек-бирлашув» акциядорлик компаниялари, «Озиқовқат-саноат», «Ўзгўштсаноат», «Ёқмоятамакисаноат» уюш-малари, «Ўзмеvasабзавоту-зумсаноатхолдинг» ва «Ўздонмаҳсулот» давлат ак-циядорлик компаниялари тизимидаги корхоналар, ки-чик бизнес ва хусусий тад-биркорлик субъектлари ўзларининг 370 миллиард сўмлик маҳсулотлари билан иштирок этишди.

Халқимиз дастурхонини ўзимизда ишлаб чиқарилган ноз-неъматлар билан тўлди-риш, республикамиз ҳар бир ҳудудидаги истеъмолчи-ларга бу неъматларни тўғридан-тўғри етказиб бе-риш мақсадидаги ушбу яр-марканинг афзаллиги шун-да бўлдики, унда қатнаш-ганлар шу ернинг ўзида ис-талган миқдорда шартнома имзолашларига имкон яра-тилди.

Хусусий тадбиркор 10-12 турдаги, йирик корхоналар 100 дан ортиқ турдаги маҳ-сулотлари билан иштирок этган улгуржи савдо ярмар-каеи муваффақиятли яқун-ланди.

(Ўз мухбиримиз)



замон талабларига мослаш, ма-даният ва маърифат масканига айлантириш учун, шаҳримиз-нинг кўркам иншоотлари қато-рида ташки чиройи, ички қулай-лигига алоҳида аҳамият бери-либ, «Тоштемирйўллойиҳа» ак-ционерлик жамияти лойиҳаси асосида қайта таъмирланмоқ-да. Ана шу таъмирлаш, қайта қуриш мобайнида сифатли ва

налари қўйилди. Ҳар бир хона хизмат кўрсатишига кўра пар-дозланмоқда, концерт залида эса томошабинларга ҳам, санъ-ати ва ижодини намойиш эту-вчиларга ҳам қулайликлар ярати-лади. Ганчкорлар, айниқса зал, йўлак ҳамда бино фойесини пардозлаш юмушларини кўнгилдагидек бажаришмоқда. — Ушбу муҳташам масканда

Фан

БОТАНИК ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари ботаника фанига доир бир неча йirik монографиялар яратдилар. Улар иштирокда ёзилган ўқув адабиётлари эса талаба ёшлар учун яхши қўлланмалар бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ботаника ва геоботаника асослари», «Табий дори-дармонлар» деб номланган янги китоблар эса босмага тайёрланди. Улар олий ўқув юртида янги дарслик ва қўлланма бўлиб хизмат қилади.

«Юксак ўсимликлар систематикаси» номли ўқув қўлланма эса дунё ботаника фанига оид янгиликларни ёритишга бағишланди. «Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати»нинг чоп этилиши ҳам илмий даргоҳ олимлари изланишлари маҳсули бўлди.

КЕНГ КЎЛАМЛИ МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР

Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурда фаолият кўрсатаётган «Росзарубежцентр» хорижий мамлакатлар билан инсонпарварлик ҳамкорлигини йўлга қўйиш билан яқиндан шугулланмоқда. Ушбу нуфузли марказнинг Ўзбекистонда ваколатхонаси очилиши ҳам айни муддао бўлди.

Мана уч йиллик, мазкур ваколатхона мамлакатимизда кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Маданият, таълим, фан, спорт, сайёҳлик соҳалари бўйича амалга оширилаётган тadbирлар кўлами айниқса кенгайиб кетди. Уюштирилган тилшуносликка оид анжуман, Россия кино кунлари ҳам мазмунли бўлди.

«Ўзбекистон — Россия» дўстлик жамияти, Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тadbирлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда. Республикаимиздаги рус маданияти маркази билан ҳамкорликда бир неча бор адабий мусиқа кечалари бўлиб ўтди.

Марказ Тошкентда рус фани ва маданияти марказини очиб таратилганини кўрмоқда. Ушбу марказ миллий маданият ҳафталикларини ташкил этиш билан ҳам шугулланади. Третьяков бадиий галереяси кургъазмаси намойиш қилинади.

Ваколатхона Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда халқаро анжуман ўтказишни ҳам режалаштириб қўйди.

Ақбар АЛИЕВ

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни

Холидбек КОМИЛОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор:

Очигини айтиш керак, республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишидан кейин жойларда Конституцияни ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди. Бу мавзу юзасидан турли ўқув машғулотлари, кечалар, танловлар ўтказилган бўлди. Асосий Қонунимизнинг ҳар бир моддасида умуминсоний кадриятларга содиқлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уфури туради. Бош Қомусимизни синчилаб ўқиб чиққан киши унда жамияти дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсондир, деган фалсафий фикр ётганлигига ишонч ҳосил қилади.

Президентимиз «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» номли китобларида Конституцияга қисқача таъриф бериб: «...Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоёсига кўра янги ҳаётдир, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамияти дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгартириб ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилик», деб таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари айтганларидек, мамлакатимизда Конституция асосида қабул қилинаётган ҳар бир Қонун ва меъёрий ҳужжат аввало шу она заминдаги инсонлар манфаатини ҳимоя қилишга ва уларга хизмат қилишга қаратилганлиги бежиз эмас. Сабаби, қабул қилинаётган қонунлар негизда энг аввало халқимиз манфаати, инсон қадр-қиммати ётади. Шундай экан, асосий Қонунимизни диққат ва эътибор билан модда-модда ўрганиш ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир. Ана шундагина биз зарур бўлган тақдирда ўз ҳуқуқимизни ҳимоя қила олиш даражасига эришамиз.

Қасбим шифокор бўлгани учун мен барча ҳамкасбларимга Конституциянинг 40-моддасидаги «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» дейилган жумлаларни ана бир бор эслатиб қўймоқчи эдим. Бу аввало биз шифокорлардан беморларга нисбатан эътибор ва ғамхўрликни янада оширишни, уларга Бош Қомусимизда белгиланган ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тиббий хизмат кўрсатишимизни талаб этади.

Собир КОМИЛОВ,
Аҳмадjon Назаров номли маҳалла оксоқоли:

— Юртбошимиз Ўзбекистон Конституциясига бағишланган йиғилишлардан бирида шундай деган эдилар: «Бизда шундай бир нобб бетақдор ижтимоий бошқарув идора борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида тақомиллашиб бораётган маҳалла тизимидир».

Бу чукчур мазмунли фикр биз маҳалла оксоқолларидан ўз бурчимизга садоқат ва талабчанлик билан ёндошимизни тақозо этади. Албатта ҳар қандай талабчанлик негизда билим ётади. Ўз-ўзидан бугунги маҳалла оксоқоли билим ва тажрибаси, дунёвий фикрлаш қобилияти билан олдингисидан фарқ қилади. Айтиш керакки, бугунги маҳалла энг демократик бошқарув тизими эканлигини, бундай ижтимоий идоранинг ўрни ва таъсири тобора кучайиб, кенгайиб бораётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бунинг мисоли сифатида биргина маҳаллаларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти, хосияти, уларнинг серкира фаолияти, тинчлик ва сойишталликни мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбиясига оид олиб борилаётган ишларни эслатиб ўтиш kifоя.

Ўз маҳаллам мисолида айтганим бўлсам ҳозир аҳолининг Асосий Қонунимизни ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини тушуниб олишлари йўлида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришга қаратилган режали ишлар олиб боришмоқда. Бунинг учун маҳалламизда бир неча савол-жавоб кечалари, Конституцияни ўрганишга бағишланган виктори-

налар, «Сиз Қонунни биласизми?» шиори остида танловлар ўтказилди. Бундай тadbирларга Конституцияни билиш ва ўрганиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини чукчур ҳис қилган ҳолда ёндошмоқдими.

Темур ОДИЛОВ,
тadbиркор:

— Конституцияни ўрганиш жараёнида ўз ҳуқуқимни тўла англаб етдим. Ўйлаб турсам биз тadbиркорлар вақти келганда ўз ҳуқуқимизни тўла ҳимоя қила олмас эканмиз. Бунинг сабаби, биз ҳали етарли тажриба ва билимга эга эмаслигимизда экан. Шу туфайли олдимизда турган муаммоларни ҳал этишда баъзи тўсиқ ва қий-

ЁРҚИН ЙЎЛ

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу аввало Асосий Қомусимизда ўз ифодасини топган бўлиб, унда энг олий кадрият сифатида инсон ҳуқуқи кафолатлаб қўйилди. Зеро шундай экан, ҳар биримиз Конституцияни модда-модда ўрганишимиз, унда белгиланган ўз ҳуқуқларимизнинг туб мазмун-моҳиятини чукчур англаб олишимиз керак. Биз ана шу йўналишдан келиб чиқиб, «Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?» деган савол билан турли соҳа кишиларига мурожаат қилдик. Куйида уларнинг фикр-мулоҳазаларини келтирамыз.

инчиликларга дуч келамиз. Конституцияни ўрганишга бағишланган бир йиғилишда катнаша туриб, бизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг ҳимоячиси бўлган Бош Қомусимиз билан жиҳдий танишиб чиқишга қарор қилдим. Унда битилган сўзларнинг маъно-моҳиятининг мағзини чакши орқали олдимда кўндаланг бўлиб турган муаммо ва саволларга жавоб топа олгандек бўлдим.

Кувончлиси шундаки, мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормоқда. Бошқаруving мазмуний-буйруқбозлик функциялари йўқолиб, мулкдорлик фаолияти кучаймоқда. Хусусий мулк ташқи мулк шакллари сингари дахлсиз ва давлат ҳимоясидан эканлиги тadbиркорлик ишларига кенг йўл очди. Қачонки, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қила олишини чукчур билсагина у ўз иш услубини ҳар томонлама ривожлантириш пайида бўлади. Шу ўринда бир қонун қайид қилиб ўтишни истардим. Олдинлари йиғинларда, мажлисларда деярли раҳбарлар сўзга чиқиб, муҳокама бўлаётган масала юзасида ўз фикрларини билдиришарди. Залда ўтирган асосий хизматга дохил бўлган кишилар эса кўп ҳолларда хоҳласа хоҳласа уларнинг фикрлари билан келишиб кетаверишарди, ўзларининг мустақил фикрларини билдира олишмасди. Ҳозир бундай эмас, инсон ким бўлишидан, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар ўз фикрини эркин баён эта оладиган бўлди. Бу ҳам ўз навбатида атрофда содир бўлаётган воқеаларга мустақил муносабат билдира оладиган эркин фуқаро, шахс маънавияти камол топаётганидан дарак беради.

Комил ОРИПОВ,
талаба:

—Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиш Бош Қомусимизни ўрганиш ва уни тарғиб-ташвиқ этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий соҳаларда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Адолатли жамият қуришиш мустаҳкам асоси яратилди. Конституцияимизнинг демократик ҳуқуқий қонунчиликка қўйилган барча талабларга жавоб бериши, халқчиллиги, инсонпарварлиги жаҳоннинг жуда кўп қонуншунослари томонидан эътироф этилди. Бу ўз навбатида Мустақил Ўзбекистонимиз тобора жаҳонга юз тутиб бораётганлиги ва унинг келажаги чиндан ҳам буюклигини яна бир бор исботлайди.

Конституцияни чукчур ўрганиш ва талқин этиш унга амал қилишнинг гаровидир. Шундай экан, айниқса биз талаба ёшлар уни мазмун-моҳиятини керагича билиб олишимиз зарур. Зеро, Конституция сизу

биз учун, давлат ва жамият учун хизмат қилади. Қонунлар халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Биз ёшларнинг мана шу масалаларни ёритишда фаол иштирок этишимиз муҳим ўрин тутайди. Келажақ ёшларники экан биз муқаддас Ватанимизни авайлаб-асрашимиз, бой маданий меросимизни тиклаш, Ўзбекистонимизни ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишда, келажақда демократик ҳуқуқий жамият қуришда халқимизнинг олдинги сафларида бўлмоғимиз даркор. Конституцияни ўрганиш эса ана шу олий мақсадларга эришиш учун замин яратади.

Ақида НОСИРОВА,
кўп болали она:

—Она сифатида менинг ҳуқуқларим нималардан иборат? Ёшим бир жойга бориб қолган, ҳаётнинг анча мунча ачиқ-чучуқларини татиб кўрган бўлсамда, бу ҳақда ҳали тўла тушунчага эга эмас эканман.

Яқинда ўртанча ўғлим мактабдан қайтиб менга тўсатдан: «Ой-дон, сиз Конституцияни ўқиган-мисиз?» деб қолди. Таажуб билан унга тикилдим. Нима дейишимни билмай «Йўқ» деб қўя қолдим. Шундан кейин у менга бир қатор саволлар бера бошлади. Табиийки, уларнинг ҳеч қайсисига жавоб қайтаролмадим. Уқувчилигимни «Қўй, бошимни қотирма» деган сўзлар билан яширишга уриндим. Шунда у: «Биз мактабда Конституцияни ўрганилмай. Уни ҳамма билиши шарт. Шундай экан, оиламизда ҳам бу Қонунни ўрганишни йўлга қўйишимиз керак. Уни билмаган киши, ҳаётдаги ўз ўрнини ҳам, ҳақ-ҳуқуқини ҳам тўла англаб етмайди», деб қолди.

Оиламизнинг барча аъзолари унинг сўзларини маъқуллашди. Шу баҳона Конституцияни оилавий ўрганишни ташкил этдик. Бошқаларни билмайдими уни мурола қилганимиз сари шахсан мен хали инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни билишдан анча орқада эканлигимни ҳис эта бошладим. Мана шунинг ўзи ҳам Асосий Қонунни ўрганиш, инсонларни ҳимоя қилишга, ўз устида ишлашга, ҳуқуқини ҳимоя қилишга ундашни кўрсатиб турибди. Конституция билан яқиндан танишиб чиққан ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ва ақинча, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчларини чукчур ҳис этадиган бўлдим. Ана шундагина Конституцияни бобма-боб ўрганган киши ўз ҳаёти ва яшаш тарзи учун муҳим бўлган барча қирраларга жавоб топа олишини аниқ ҳис этдим.

Биз Конституцияни ўқиб-ўрганиш юзасидан ҳамшаҳарларимиз фикри билан таниша туриб, уни хатто кичкинтойлар масканлари бўлиши болалар боғчаларида ҳам ўзига хос тарзда ўрганилаётганлигининг шоҳиди бўлдик.

—Ҳаётимизнинг Асосий Қонунни бўлимиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш ёш авлодининг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини ҳар томонлама тарбиялаш илкони беради. Кичкинтойларга ўз миллий байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз ҳақида тушуниришлар бериб борамиз. Улар ўртасида «Конституция бизга нима берапти?» мавзусида расмлар танловини ўтказамиз. Хуллас, Юртбошимиз айтганларидек, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт-лиги йўлида болаларни маънавийлик билан қўлимиздан қолганча билим берамиз. — дейишди биз билан сўхбатда бўлган боғча тарбиячилари.

Гални мутхасар қилиб айтганда Мустақилликдан сўнг юртимизда ҳуқуқий демократик давлат пойдевори яратилди. Зеро, максимизм демократик жамият қуриш экан, демак ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз Конституциясини пухта ўрганиб, унинг Ватан рўзнаки, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатларро тотовулик, диний бағрикенглик гоғларига садоқат билан ёндошиши керак. Асосий Қонунни ўрганиш шу йўлдаги уринишларимизга ёрқин йўл бағишлайди. Ҳаёт тақозо этаётган бу масалага халқимиз томонидан кенг эътибор қаратилаётганлиги ҳамшаҳарларимизнинг юқоридagi фикрларидан ҳам билиниб турибди. Бир сўз билан айтганда Конституцияни ўрганиш ҳар биримизнинг янада баркамол бўлишимиз учун хизмат қилади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Ёшлар — келажакимиз

ЭЗГУЛИКНИНГ ЁРҚИН ЭРТАСИ БОР

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан баркамол малакали кадрлар этиб тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури бугунги кунда ўз самарасини тўлалигича намойиш қилмоқда.



Тошкент банк коллежида ҳам келажакимиз ворислари бўлган фарзандларимизнинг билимли, зарур касбни эгал-

Маънавият ва маърифат хонаси, спорт зали, теннис кортлари, кенг, чиройли безалган ошхона ўқувчилар ихтиёрида.

Қувончли ҳаётини яшашнинг шартлари, кўп сонли нарсани олишнинг шартлари, кўп сонли нарсани олишнинг шартлари...



лаб, меҳнат бозорида бемалол рақобатлаша оладиган мутахассислар сифатида этиштириб чиқишлари учун қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Бўйича бугунги кунда 61 та тўғарақлар ишлаб турибди ҳамда ёшлар уларга фаол қатнашиб, дарсларда олган билимларини мустақамлаб, тажрибаларини орттирмоқдалар.

Ушбу коллеж битирувчилари келгусида олий ўқув юртида тахсил олишни давом эттиришлари ҳамда касблари бўйича меҳнат қилишларини назарда тутган ҳолда пойтахтдаги кўпга олий ўқув юртилари — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат Техника университети, Иқтисодий университет, Молия институти, рес-

— Таълим масканимизда тўғра йўналишда — банк иши, молия агентлиги, бухгалтерия ҳисоби ҳамда сўғурта иши мутахассисликлари бўйича ёшларимизга билим берилди, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари доктори Зайнулдин Худойбердиев. — «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга таъбиқ қилишга асосий эътиборни қаратганмиз. Бу борада ўз соҳасининг билимдонлари, малакали, жонқуяр устозларнинг меҳнати салмоқли бўлмоқда.

Мазкур 1996 йилдан фаолият юритаётган коллежда бугунги кунда 81 та академик гуруҳларда 3187 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. Таълим масканинда ёшлар билим сирларини мукамал эгаллашлари учун тўлиқ жиҳозланган ўқув хоналари, 8 та компьютер хоналари, 2 та иммитатсион банк, 1 та ўқув-тажриба банки, 2 та лингафон хоналари мавжуд. Уларнинг энг замонавий хорижий технологиялар — Пентум компьютерлари, видеомагнитофон, видеоқўзультимедия билан таъминланганлиги ёшларнинг ўз мутахассисликларини мукамал эгаллашларига етарли имкониятлар яратмоқда.

Жумладан, каттагина махсус фанларга ихтисослаштирилган хоналар, каттагина заҳирага эга кутубхона, қироатхона,

— Меҳнат бўлимизнинг фаолият доираси кенг бўлиб, ишимиз турли бошқарма, корхона, ташкилот, муассаса ва албатта, маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда олиб борилади.

Бандлик хизмати

ЭШИКЛАРИМИЗ ҲАМИША ОЧИҚ

Пойтахтимиздаги кўпга фуқаролар Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ҳамда туман меҳнат бўлимларининг хизматларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Биз Собир Раҳимов туман меҳнат бўлими раҳбари Асад ШАЙХОВдан туманда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида жорий йил бошидан буён қилинган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

Марказига йўлланма билан юборилди. Меҳнат бўлимимиз ташаббуси билан тумандаги кўпга йирик саноат, транспорт, қурилиш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ташкилотларининг малакали мутахассислари иштирокида босқичма-босқич 8 маротаба «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари» меҳнат ярмаркалари ўтказилди.

Албатта, ишсиз фуқаролар ҳар кун бизнинг меҳнат бўлимимизга келиб бўш иш ўринлари ҳақида мурожаат қилишлари, яъни шу тўғрида ахборот, тегишли маслаҳатлар олишлари мумкин. Лекин ярмаркаларда иш берувчи билан фуқаролар юзма-юз учрашиб ўзини қизиқтирган барча масалалар юзасидан тўлиқ маълумотлар олиш имкониятига эга бўладилар.

Жумладан, туманимизда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси 2-бандига асосан корхона,

ташкилот, муассасаларда ижтимоий муҳофазатга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида 7 фойзли махсус, яъни квоталанган иш ўринлари ташкил этилмоқда. Шунинг билан бирга, уларга 3350 та янги иш жойлари яратилди.

Масалан, «Лионтур» масъулияти чекланган жамияти, «Сағбон-текстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, «Амиркотект», «Шакар-барбарис», «Дарбиолэдо», «Интердружба» масъулияти чекланган жамиятларига кўпга иш билан банд бўлмаган фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Туманимизда мавжуд бир маротабалик вақтинчалик иш билан таъминлаш маркази ҳам иш билан банд бўлмаган аҳолига қулайлик яратиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида шартномалар асосида ишга йўлдан масалаларини кўриб чиқиш, уни тубдан яхшилашни режалаштиргани ҳам ўз самарасини бермоқда. Жумладан, халқимизнинг ҳунармандчилик санъатини сақлаб қолиш, унинг сир-синаотларини эринмай ёшларга етказиш мақсадида

Жорий йил бошидан буён шу кунгача меҳнат бўлимимиз томонидан 2016 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар рўйхатга олинди, улардан 1672 нафари ишга жойлаштирилди, шунингдек, 336 нафар фуқаролар қайта ўқитиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазат қилиш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув

марказига йўлланма билан юборилди. Меҳнат бўлимимиз ташаббуси билан тумандаги кўпга йирик саноат, транспорт, қурилиш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ташкилотларининг малакали мутахассислари иштирокида босқичма-босқич 8 маротаба «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари» меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Албатта, ишсиз фуқаролар ҳар кун бизнинг меҳнат бўлимимизга келиб бўш иш ўринлари ҳақида мурожаат қилишлари, яъни шу тўғрида ахборот, тегишли маслаҳатлар олишлари мумкин. Лекин ярмаркаларда иш берувчи билан фуқаролар юзма-юз учрашиб ўзини қизиқтирган барча масалалар юзасидан тўлиқ маълумотлар олиш имкониятига эга бўладилар.

Жумладан, туманимизда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси 2-бандига асосан корхона,

ташкилот, муассасаларда ижтимоий муҳофазатга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида 7 фойзли махсус, яъни квоталанган иш ўринлари ташкил этилмоқда. Шунинг билан бирга, уларга 3350 та янги иш жойлари яратилди.

Масалан, «Лионтур» масъулияти чекланган жамияти, «Сағбон-текстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, «Амиркотект», «Шакар-барбарис», «Дарбиолэдо», «Интердружба» масъулияти чекланган жамиятларига кўпга иш билан банд бўлмаган фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Собир Раҳимов туманида 58 та маҳалла мавжуд бўлиб, меҳнат бўлимининг 14 нафар малакали, маҳаллалар нозирлари унумли меҳнат қилмоқдалар. Улар ўзини-ўзи бошқариш органлари оқоқоллари, хотин-қизлар комиссияси раислари, фаоллари, посбонларнинг яқин ҳамкорлиги, мадади ту-

тикан ёстиқ жилд, гўдак-туманларида ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларда кейинги йилларда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркор, иш кўзини яхши билган оқоқоллар сай-ҳарашатлари билан у ерда истиқомат қилувчи уста хунармандлар маҳалла ёшларига ўз хунарларининг сир-асрорларини ўргатиб, уларни катта ҳаётга тайёрлашга ҳисса қўшиб келмоқдалар. Илдири узоқ асрларга бориб тақалувчи попчилик, зардўзлик, каштачилик, уймакорлик, мини-атюра санъати, сандиққўзлик, эҳ-ҳе санаб, адоғига этиш қийин бўлган хунарлар йигит-қизларимизни ҳали хануз ўзига ром қилиб келмоқда.



Касб-фаҳрим

УСТОЗЛАР ИЗИДАН

Мен 2 йил аввал Чилонзор туманидаги «Грация» марказида устозим Мунира Капкаевадан косметологиядан сабоқ олганман. Унинг чўқур билими, қуноччаллиги, дарсларни амалиёт билан биргаликда жуда қизиқарли ва доимо янгича руҳ киргазган ҳолда ўтиши менинг бу касбга бўлган меҳр-муҳаббатимни оширди. Имкони борича қиз-жуvonларимизни гўзал, дилбар, жозибали қилиш истагида сабоқларни тўлиқ ўзлаштиришга астойдил ҳаракат қилдим.

Мени бир нарса таажжубга солди, ўзим ўрта мактабни битиргач, олий ўқув юртига имтихондан ўтолмагач ушбу касбга қизиқиб, ўқишга боргандим. У ерда 40-45 ёшдаги аёлларнинг ҳам учратдим. Улар ҳам биз ёшлардан қолишмасликка, дарсларни тўлақонли

ўзлаштиришга интилишди. Демак, хулоса қилдимки, касб ёш танламас экан, иштиёқ, кунт бўлса ҳаётдаги мақсадга эришиш мумкинлиги мени рухлантирди.

Ўтган йилдан буён мен пойтахтимиздаги «Муқаддамхон» гўзаллик са-

лонида мустақил иш юритмоқдаман. Меҳрибон устозимдан ўрганган билимларим, сабр-бардош, жамоанинг руҳий мадади тўғрисида ҳам бугунги кунда режамни уйдalayпман, ҳатто ёшгина қиз — 8-синф битирувчиси Гўзалга ёзги таътилда касбимга қизиқшини кўриб, бошланғич сабоқни ўргатдим, шу билан бирга, сартарошликни ҳам ўрганишни ният қилиб қўйганман.

Муҳозаза

ҲАР КИМ ЁҚҚАНИНИ ТАНЛАЙДИ

Ҳозирда миллий хунармандчилик сир-асрорлари билан астойдил қизиқувчи йигит-қизлар кўпчилиги ташкил этади. Бу эса хунармандларимизнинг сафни кенгайишида муҳим ўрин тутди.



ҚОНУН БЎЙИЧА СУГУРТА МАЖБУРИЙМИ?

Мен хусусий фирмамнинг фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида бир объектни сотиб олгандим ва уни сугурталаш мажбурийми деган савол мени қизиқтирмоқда.

Сугуртанинг ихтиёрий шакли эса шартномага асосланади. Мажбурий сугуртада сугурта ҳақининг ҳажми қонунда кўрсатилган бўлади ёки сугурта қилинаётган объектнинг нархидан келиб чиқиб аниқланади. Ихтиёрий сугуртада эса сугурта ҳақи томонларнинг келишуви билан белгиланади.

Улар ҲАҚМИ? Ойлави шартномига кўра асосий иш жойимдан ташқари ўриндошликни биргаликда олиб бораман. Авваллари иккала ишимдан бир хил вақтда меҳнат таътили-

га чиқардим. Аммо у ерда раҳбар ўзгаргач ўриндошлик ишимдан таътилга рад жавобини беришди. Улар ҳақми? Холида Асомиддинова, Собир Раҳимов тумани, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 193-моддасига биноан, барча ўриндошликда ишлаётган фуқароларга ҳар йили меҳнат таътили дам олиш ҳамда соғлигини тиклаш учун иш жойи (мансаби) сақланган ҳолда берилади. Мабодо ташкилот ёки корхона ўриндошликка қабул қилишга шартномага меҳнат таътилига ишланади, деб кўрсатган тақдирда ҳам, бу қонуний эмас, яъни Меҳнат қонунига хилоф ҳисобланади.

КЕЧИКИШ ҲАМ ЖАЗОЛАНДИМИ? Канчаллик уринсам ҳам, ишга кўпинча кечикиб бораман. Раҳбарлар томонидан менга жазо кўлланилиши мумкинми? Саида Алиева, хизматчи, Мирзо Улуғбек тумани.

Иш берувчи ходимларига меҳнат интизомини бузганлиги учун қуйидаги жазо турларини қўллаши, яъни ҳайфсан бериши, ойлик маошининг 20 фоиздан кўп бўлмаган қисмини ушлаб қолиши мумкин.

Энг яхшиси, бизнинг маслаҳатимизга қўлоқ тутиунг-у ишга узрсиз сабабларсиз ҳечам кечикманг ҳамда раҳбарлар билан сира ҳам зиддиятга борманг!

Сўраш, жавоб берамиз

Собир Раҳмонов, тадбиркор, Сергели тумани. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 914-моддасига асосан, сугурта ихтиёрий ва мажбурий турларга бўлинади. Сугуртанинг икки турга бўлиниши сугурта

Улар ҲАҚМИ?

Ойлави шартномига кўра асосий иш жойимдан ташқари ўриндошликни биргаликда олиб бораман. Авваллари иккала ишимдан бир хил вақтда меҳнат таътили-

Улар ҲАҚМИ?

Ойлави шартномига кўра асосий иш жойимдан ташқари ўриндошликни биргаликда олиб бораман. Авваллари иккала ишимдан бир хил вақтда меҳнат таътили-

Мен хусусий фирмамнинг фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида бир объектни сотиб олгандим ва уни сугурталаш мажбурийми деган савол мени қизиқтирмоқда.

Мен хусусий фирмамнинг фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида бир объектни сотиб олгандим ва уни сугурталаш мажбурийми деган савол мени қизиқтирмоқда.

Мен хусусий фирмамнинг фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида бир объектни сотиб олгандим ва уни сугурталаш мажбурийми деган савол мени қизиқтирмоқда.

Мен хусусий фирмамнинг фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида бир объектни сотиб олгандим ва уни сугурталаш мажбурийми деган савол мени қизиқтирмоқда.

Муассар УМАРБЕКОВА

Лола ҲАМИДОВА, косметолог.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Муқаддас ТОШМУРОДОВА, муҳаядис.

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАКИМНИНГ
ДОМО БУЛАР...

● Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир; кимдаки шу фазилат бор экан, у ғурурланса арзийди.

● Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

● Хатарни қўрмай бартараф этиш эмас, балки уни юзма-юз қарши олиш мардликдир.

● Давлатингдан айрилсанг кўп нарсани йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг — кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг — ҳамма нарсангни йўқотасан.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўйса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар одига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни кўйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдига бировга ўширма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бечорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино кўювчи такаббуллардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уни удрасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма.

Ҳижоат: зўравонлик камарини белига боғлаб, ўзига ўнта келадиган чигирткани кўтариб кетаётган бир чумолни кўрдилар. Таажжуб билан айтдилар:

— Бу чумолни кўринг, шу қадар кучсиз бўлгани ҳолда бунчалик оғир юкни ташимокда.

Чумоли бу сўзни эшитиб қулди ва:

— Мардлар юкни гавада қуввати ва тан салобати билан эмас, ҳиммат кучи ва бирлик белига билан ташийдилар, — деди.

Байт:

Агар доно бир иш

чикмаса дунёда

донодан,

У нодонлар билан тенг

ўтса мумкин ушбу

дунёда.

● Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

● Доншманд — баққолнинг дўконига ўхшайди, борини индамайгина кўрсатади — қўяди; нодон эса лашкар ногорасининг ўзи: овози баланду ичи бўмбўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапирди, телба-нодон одам эса доимо гапирди, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳаммиша фикрининг измида; телба-нодонда бўлса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва ғийбатчидир.

● Фақат нодонларгина қулмай яшайдилар.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида)

«Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга муҳаббат туфайли юзага келади...» деган эди улугфранцуз мутафаккири Жан Жак Руссо.

Юқоридаги сўзлар маълум маънода Саид Маҳмудхон Тўранинг ўғли жаноб Насруллох Тўрага ҳам тегишлидай туюлади менга...

У Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида фаолият кўргизар экан, бир неча тadbирлар ва миллий байрамларимизни ўтказишда ҳомийлик қилди. Ўзбек маданиятини, урф-одатини жаҳонда тарғиб этишда, хорижлик сармоядор ватандошларни юртимизга жалб қилишда унинг инсоний фазилатлари, хушмуомала, хушфэъллиги, айниқса жамоатчилик ишларини мукамал билиши кўп келмоқда.

Ўзбек маънавиятини, маданиятини, халқ оғзаки ижодини яна ҳам ривожлантириш мақсадида Насруллох Тўра Республика Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда айрим ҳомийлик ишларини амалга оширди. концертлар уюштиришда, асарларни саҳналаштиришда фаоллик кўргизди. Хусусан, Миллий театр саҳнасида намойиш этилган «Чимилдик» ва «Машраб» пьесаларини айтиб ўтмоқ керак. Ушбу асарларнинг саҳна юзини кўришда кетган барча харажатлар, актёрларнинг маошларигача Насруллох Тўра ҳисобидан қоланди. Ушбу бегараз ҳомийлик спектаклларнинг муваффақиятли чиқишини таъминлади. Шунингдек, театр актёрларидан бир гуруҳи унинг ҳомийлигида Мисрда ўтказилган театр фестивалига бориб, санъатимизни намойиш этиб қайтишди. Таниқли бир рассомнинг бир неча безакли плакатларини чиқартирди, уни Францияга малака оширишга ҳам юборди...

Бундай мисоллардан жуда кўп келтириш мумкин.

Булар Саид Маҳмудхон Тўра ўғлининг саховатидан нишонлар ҳолос...

Уша машхур ҳикмат ёдинга тушаверади. Чиндан ҳам, ҳар биримиз Ватан менга нима берди, деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим, қабилида фикр юритишимиз, ҳаракат қилишимиз керак! Ҳар кун, ҳар соат, ҳар лаҳза...

Насруллох Тўра ўз фарзандлари ҳақида қувонч билан гапирди. қизи Насира Тўра Германияда «Модесса» фирмасини бошқаради. Ўғли Хоқон Тўра Туркиядаги йирик ширкатлардан бирининг эгаси. Улар Саид Маҳмудхон Тўра набиралари эканликларини бир лаҳза ҳам унутмайди. Оталари, боболари изидан боришмоқда, оталарининг умр тажрибалари ҳаммиша уларнинг кўз ўнгида, ҳаммиша уларга намуна бўлиб хизмат қилади. Фарзандлар кўнглида ҳам боболар юртига келиб, она миллат учун бегараз тер тўкиш ниятлари йўқ эмас...

Ота бундан мамнунлигини яширмайди.

Насруллох Тўра падари бузруквори панд-насихатларини доимо ёдда тутди. Ота-оналари руҳларини шод қилиш ниятида неки чора бўлса ўшанга қўл уради. У 1996 йилда Чуст мазоридан ихлос билан бир халта тупроқ олиб Аданадаги Асрий мазорга элтиди ва отасининг қабри узра сочиб юборди. 2001 йилда укаси Халил Тўра билан Андижонга келганларида оналари туғилган шаҳар тупроғидан бир қопчиққа соғдилар ва Истамбулда дафн этилган оналари мазори устига сепиб чиқдилар... Гўё, сизларга Ватанга қайтиш насиб этмади, лоақал Ватан тупроғи нафаси келиб турсин, дегандек...

Саховатли ва хайрли ишларга қўл

ураб экан, буни зинҳор бировга кўз-кўз этиш ёки мақтанни учун қилмади, балки қалб даъвати билан амалга оширади. Ҳаётини ва яшашини шундай тушунади, шундай яшашга ўрганган. У Алишер Навоийнинг: «Битта қулчани икки бўлиб, ярмини оч одамга бергани — сахий деб, ўзи емай, ҳаммасини муҳтож одамга бергани — ахий дўст деб бил...» деган доно сўзларини такрорлаб ўришни яхши кўради ва ўзи ҳам унга ўхшашга интилади, ўхшайди ҳам. Буни фақат инсофли одамдан кутиш мумкин. Насруллох Тўрани, улуг шоиримиз таъбири билан айтганда, бугунги замоннинг ахий инсонларидан бири дегим келади.

Лекин, қахрамонимизнинг асосий фазилатлари булар эмас... Инсофи бўлган ҳар бир сармоядор одам шун-

кистон барпо бўлди... — дейди жаноб Насруллох Тўра. — Падари бузрукворим Саид Маҳмудхон Тўра шундай кўнларни орзу айлаб ўтдилар. Истиклолимизни қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг гуллаб-яшнашига баҳоли қудрат ҳисса қўиш энг эзгу ниятимдир, шу йўлда ҳаракат қилараман, худо хоҳласа... Валинеъматим отам, меҳрибоним онам армони энди ушалганини кўриб турибман. Аллоҳга шукур! Мен энди юртимда умримнинг охиригача яшаб, бу муқаддас заминда абадул абад қолгани келдим...

Насруллох Тўранинг кўзларида табассум ўйнар эди.

Озод Ватанингни муборак бўлсин!

XIV

Хотима

Ха, дунёда бир макон борки, у ҳақда ўйлаганимда кўнглинг фарахларга тўлади...

Бу — Ватан, она — Ватан... Киндик қони тўкилган тупроқ...

Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас, дейди ўзбеклар.

Ватанни улуғлиги учун эмас, киндик қони тўкилган, туққан юрт бўлгани учун севадилар, деган экан салкам икки минг йил аввал римлик файласуф ва давлат арбоби Луций Анней Сенека.

Ундан юз эллик йил кейин яшган қадимги юнон адиб Лукианининг фикрича, биргина «Ватан» сўзининг ўзи кўрқокни ҳам жасурга айлантириб юбора оладиган қудратга эгадир.

Элга қўшулган эш толди, деб уқтирганди Алишер Навоий. «Ўз ери қўйиб ҳинд сори юзлондими, Ераб, бу не юз қаролик бўлди?...» сўзларини ёзган эди афсусу надомат билан Захириддин Муҳаммад Бобур...

«Дўстгинан, Ватанга жонни тиканмиш, кўнгли орзулари фидо ўшанга!» - хитоб қилган эди ўн тўққизинчи асрда рус шоири Пушкин...

Турли замонларда турли миллат донишмандлари томонидан Ватан ҳақида айтилган ҳикматларнинг адади йўқ... Ҳаммасида Ватаннинг инсон учун нечоғлик буюк иқбол эканлиги тарафдан этилади.

Ватан, Ватан, Ватан!...

Муҳтарам ўқувчи!

Мана, Ватандан айри тушган Саид Маҳмудхон Тўра тақдир ҳақида битган китобим ҳам охирлаб қолди.

Ушбу тақдир юзлаб, минглаб ватандошларимиздан фақат бирининг тақдир ҳолос.

Агар мусофирчиликда кун кечирган, «Шириндир Ватаннинг аччиқ тунни» сўзларини ўзларига тумор қилиб олган, абадий соғинчлар оғушида қолган жуда кўп ватандошларимиз ҳаёти билан ақиндан танишиш, сўхбатлашиш имкони топиладими эди, яна ҳам фаройиброқ тақдирлар қиссасини тинглаш мумкин бўларди!

Бунга ишончим қомил.

Саид Маҳмудхон Тўранинг бутун умри давомида Ватанга қайтиш орзуси билан яшагани, Она юртига интилгани жуда ҳам ибратли. Шукурлар бўлсинки, унинг фарзанди Насруллох Тўра жаноблари ота ўғилларини азиз тутиб Ватанига қайтиди, ота-боболар армонлари ушалишига эришди.

Аждодларнинг умр хиссалари авлодлар учун бир умр сабоқдир.

Бошқача айтганда, қиссадан ҳисса чиқармоқ авлодларнинг вазифасидир.

Биз ҳам, гапнинг сираси, ўша вазифани адо этмоқ учун қўлимизга қалам олдик.

Шояд, кимгадир сабоқ вазифасини ўтаса...

Ватан муқаддасдир!

Ватан бизга ўзимиздан ҳам кўра азизроқдир!..

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

РОМАН - ХРОНИКАДАН БОБЛАР

дай қилиши мумкин. Насруллох Тўранинг асосий фазилати садоқатли Ватан ўғлини эканлигида; чинакам миллатпарварлигидадир. Шу вайдан ҳам у юртимизда хориждаги жумла ватандошлар вакили сифатида фаолият кўргизиб келмоқда. Ўзбекистонда доимий яшаш ҳуқуқига эга...

Хушмуомала, хушфэъл, намозхон закий инсон Насруллох Тўра жаноблари билан суҳбатларимиз ҳаммиша сермазмун кечади. Суҳбатларда ён дафтаримга Насруллох Тўра баён айлаган бир неча мулоҳазаларни қайд этиб қўйган эдим.

Мана, айримлари:

Биринчи қайд: «Ҳар бир ўзбек фарзанди ўз миллийлигини йўқотмасин. Ҳеч қачон хорижининг номақбул одатларини ўрганмасин. У ўзлиги билан оламга танилсин, дейман...»

Иккинчи қайд: «Мустақиллик даврига қадар Европанинг кўплаб давлатларини кўрдим. Германиянинг Берлин ва Дюссельдорф шаҳарларида йигирма йил яшадим. Гўзал Швейцарияда ҳам бўлдим. Аммо Тошкент вилоятининг Сижак қишлоғини кўриб ҳақиқий гўзаллиқни англадим! Нечоғлик бахти, она юртимда бундай гўзал жойлар жуда кўп экан. Аллоҳ берган бу табиат инъомини асрашимиз лозим. Бунинг учун ҳар бир ватандош тенг қайғурмоғи керак...»

Учинчи қайд: «Ривожланиш йўлида дадил одимлаётан Туркияда аҳолининг ўттиз фоизи саводсиздир. Ўзбекистонда аҳолининг ёлпасига саводхон эканлиги мени хайратга солди...»

Тўртинчи қайд: «Мустақиллик — муқаддас туйғу. Худо ато этган бу муқаддас туйғу абадий бўлиши учун тупроғимизни, тилимизни, динимизни, урф-одатимизни сақлашимиз керак, ҳур миллатимизни гард юқтирмай асраб қолишимизни болаларимизга ҳам ўргатишимиз керак...»

Бешинчи қайд: «Мендан, яна бошқа қариндошларингиз борми, деб сўрайдилар. Ўзбекистонда йигирма уч миллион, чет давлатларда беш миллиондан ортқ ўз жонимдан ва қонимдан бўлган қариндош ватандошларим бор, деб жавоб бераман...»

Олтинчи қайд: «Ўзбекистонни кўзүмнүчокдек асрайлик, Ватанини муқаддас билиб, унинг қадрига етайлик, азизлар! Зеро, у ҳар биримизни боқувчи, кийинтирғувчи, ардоқлагувчи, эъзозлагувчи Онадир!..»

Қайдлар, қайдлар...

Шундай фидойи инсон тақдир ва ҳаёти билан танишиб, табиийки, ҳаёлларга бериласан киши...

Ҳа, замонамиз қахрамони шулар, юрти, Ватани учун сидқидилдан хизмат қилаётган фидойи инсонлар!

— Ер юзида кўна, қадимий тарихга эга бўлган эркин, мустақил Ўзбе-

**Шарҳловчи
тинбари**

**АҚШ:
МУҲОЖИРЛАР
ОКИМИ
КЕНГАЙМОҚДА**

Асосан муҳожирилари юрти бўлган АҚШда муҳожирилари оид кўплаб қонун-қоидалар ишлаб чиқилган. У ерда ҳар йили минглаб одамлар тегишли идоралар томонидан расман рўйхатга олинб, доимий тураржой ва иш билан таъминланади. Шу боис, дунё муҳожирилари асосий қисми, одатда океан ортига интилади.

Яқинда ҳукумат 2003 йилда АҚШга бошқа давлатлардан кўчиб келганларнинг рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, ўтган йили 700 мингдан зиёд хорижлик фуқаро иммигрант сифатида рўйхатга олинган.

Улар АҚШда доимий яшаш ва ишлаш ҳуқуқига эга бўлди. Фуқаролик ва иммиграция хизмати-нинг маълумотида айтилишича, 400 минг кишига фуқаролик ҳам берилган.

Ҳозир АҚШда яшаш орзусига эришганларнинг кўпчилиги Мексика фуқароларидир. Маълумотларга кўра, ундайларнинг сони 115 мингдан ошади. Иккинчи ўринни Хиндистон эгаллаган. Ганга соҳилларидан келганларнинг сони 50 мингга етди. Шунингдек, Филиппиндан — 45, Хитойдан — 40, Россиядан эса қарийб 14 минг муҳожир уммон ортидан осойиш тогган. АҚШга ноқонуний йўллар билан келганлар маъмур маълумотномда ҳисобга олинмаган.

Ер юзиде осуда ҳаёт, даромадли иш илнжиде кўчиб юриш ҳоли-лари ҳамма даврларда ҳам кузати-тилган. Бунинг таъминотида иқтисодий, баъзан эса сиёсий сабаблар етди. Маълумотларга қараганда, ҳозир муҳожирилари кўпчилиги АҚШ ва Европа мамлакатларидан кўнм топар экан. Аслида муҳожирилари сонининг кўпайиши турли маданият, урф-одат ва хатто элатларнинг бири-бири билан қоришиб кетишига олиб келади. Бунга тарихдан талайгина мисоллар топил мумкин. Масалан, Америка халқи аслида XVIII асрининг иккинчи ярмидан кейин Европадан кўчиб келганлар билан маҳаллий аҳолининг ара-лашиб кетишидан шаклланган. Ҳозир мамлакат аҳолиси уч асосий этник гуруҳ - америкаликлар, муҳожирилари ва тубжой аҳолиси-дан иборат. Америкаликларнинг 82,8 фоизи асл келиб чиқиши европалик, 12,6 фоизи африкалик, 3,6 фоизи эса осиеликдир. Қол-ган қисмини бошқа китъа вакил-лари ташкил қилади.

Муҳожирилари кўпайиши баъзи муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, хавфсизлик муаммоси. Шу сабабли, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин АҚШда ноқонуний муҳожирилари қарши назорат кучайтирилди. Чунки, дунёнинг турли жойларида дегарли кунда-кунора юз бераётган кўпюрчилик ва бошқа хун-резликларни амалга ошираётган-лар орасида таинили яшаш ва иш жойига эга бўлмаганлар кўплаб учрайди. Ассошиэйтэд Пресс ха-барига қараганда, ўтган йили АҚШда ноқонуний яшаб юрган 157 минг муҳожир ўз юртига қай-тариб юборилган. Яримдан кўпи жиноий ҳаракатлар сабаб кўлга олинган бу муҳожирилари кўпчилиги Мексика, Гондурас, Гватемала, Сальвадор ва Бразилия фуқаролари бўлган.

**ЖУСАР КЕНГБОВЕВ,
ЎЗА**

— Рихси опа, сизни гойибона қад-лайдиган, севиб томоша қиладиган мухлисларингиз жудаям кўп. Лекин улар сизни фақат сахнада ўйнаган ролларингиз орқали билишади...

— Мен ҳаётда оққун-гил, меҳрибонман. Биронинг дарди учун куюниб, йиғлаб, елиб юрган вақтларим кўп бўлади. Биронинг кўзидаги бемаврид ёш, юзидаги изтироб юрагимни гашлаб тинчмини бузади. Ҳаётда эса ҳамма катори оддийги-на аёлман. Аммо ноҳақ-ликни, юрагимга етказилган озори ҳадеган-да кечириб кета олма-ман.

— Машҳур бўлиб етишишигизда ус-тузларингизнинг кўмаги қандай бўлган?

— Албатта. Шукур Бурхоннов, Сора Эшон-тураева, Абдор Хидоя-тов, Қудрат Хўжаев, Обид Жалиловларнинг паноҳида, ёрдамида сах-нага атак-чекак қилиб чиққанман. Буни ҳеч қачон унута олма-ман. Спектаклдан кейин улар биз ёшларни таб-риқлар, далда берарди-лар. Устозларим менинг қалбимда, қилган иш-ларимда мангу барҳаёт. Илоҳим жойлари жан-натда бўлсин...

— Халқда суяқ суради деган гап бор, авлодингизда санъаткорлар бўлганми?

— Йўқ, бироқ ота-онам санъатни қад-рлашарди. Бу менга Худонинг марҳаматими ё муқофоти билмадим. Ҳар кимга Худо бер-син. Санъатси ўзимни, борлигимни ҳис эта олмаман. Қурадиган кўзим, идрок эта ола-диган қалбим бор экан, санъат, санъат ва яна санъат деб яшайвера-ман.

— Ёшлигингиздаги ролларда асо-сан сеvimли, гўзал ёр тимсолларини яратгансиз. Ҳозирда эса мунгли, муш-фик, оналар образини яратаяпсиз. Нега шаддоод, баджаҳл ёки урушққ салбий ролларда ўйнамайсиз?

— Санъаткор ҳар қандай ролни ўйнай билиши керак. Салбий роллар ҳам ижро

этанман. Лекин жуда кам. Сора опанинг чет элда ўқийдиган қизини «Ғариблар», «Беруний» спектаклида Малика роллари-ни ижро этганман. Ростини айтсам ҳеч ҳам ёпишмаган. Йўқ ижро яхши чиққан, ўзим-

лантириш яхши эмас...Бу менинг юрагим-даги огриқдир.

— Газета ўқиб турасизми?

— Албатта. Лекин танлаб ўқийман. Баъ-зан газеталардаги долзарб масалалар, ечимини топа олмаёт-ган муаммолар, ўқимишли, бадий нар-саларни, мазза қилиб мириқиб мутолаа қи-ламан. Аммо, баъзи га-зеталардаги бир хил мав-зулар одамни зерикти-риб юборди. Нима бўлганда ҳам шу га-зеталарнинг бориға, бор-лиғига шукр. Яхши ва ёмонни, оқ ва қорани билиб боради киши.

— Ҳозирги ёш санъаткорларнинг ижоди сизни қониқ-тирадими?

— Қониқтиради, та-лантли ёшлар кўп. Ле-кин 90ларнинг ишға бўлган муносабати мени қониқтирмайди. Уларнинг ишға меҳр билан ёндошишларини истардим. Шу ёшлар театримиз кўрки, фа-ри ва келажакдир. Уларга қараб туриб хур-санд бўлиб кетаман баъ-зан, ахир улар ишимиз давомчилари-да.

— Санъат ва театр сизга нима берди?

— Санъат ва театр менинг ҳаётимдир. Мен бу соҳада сўнмас ва алангали муҳаббатни учратдим. Обрў ва қадр, ҳурмат ва эътибор топдим. Халқ-нинг меҳрини, оташ ҳароратини шу кас-бим ила туйдим. Бундан ортик яна нима керак менга.

— Рихси опа, суҳбатингиз якунида оқшомхонларга тилакларингиз.

— Мен бу газета жамоасига биринчи на-батда омад ва юксалик тилайман. Бундан 10 йиллар муқаддам газетангиз саҳифа-ларида менинг ҳақимда ёзишганда, мана, яна сизлар билан учрашиб турибман. «Тошкент оқишми» газетаси халқнинг энг сеvimли ва ишонган, суянч газетаси бўлиб қолсин.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Суҳбатдош Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова.

Диллашу

**САНЪАТ —МЕНИНГ
ҲАЁТИМ**

Инсоннинг яшаб ўтган йиллари шунча-ки изоҳлансада, бу йилларнинг ҳар бир лаҳзасида бир дунё орзу-ҳавас, кувонч ва изтироблар, ташвиш ва қайғулар бор. Улар гоҳо тиниқ, гоҳ хира рангларга ай-ланиб тақдир саҳифаларига бирма-бир муҳрланиб бораверади. Рихси Иброҳимо-ва Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек Мил-лий академик драма театрининг актри-саси. Менимча, бу ёқимли сиймони тани-маган, у ижро этган роллар таъсирида ҳаяжонланмаган инсон бўлмас керак. Қарийб 50 йилдан бери сахнада ранг-баранг роллар ижро этиб, мухлислар ол-қишига сазовор бўлиб келаётган Рихси опа институтни аъло баҳоларга тугатган вақтларидаёқ халқ меҳрига сазовор бўлиб улгурган эди. Чунки талабалик дав-ридаёқ «Бой ила хизматчи»да Жамила, «Қутлуг қон»да Гулнор, «Навоий»да Гули, «Гамлет»да Офелия ролларини қойилмақом қилиб, маромига етказиб ижро этган. Биз уларнинг санъатдаги босиб ўтган йўллари, ҳаёт-нинг гўзалликлари ҳақида суҳбатлашдик.



га негадир ёқмаган. Ўзим шу ролға кириб кетишға қийналганман.

— Рихси опа, ҳозир кўпгина аёл ак-трисаларимиз тўйларға чикшиаяпти. Бу яхши албатта, аммо баъзан шу қадар чегарадан чикиб кетишадикки, хайрон қоласан киши. Ахир тўй кўпники-ку? Бу театрларимизнинг обрўсига таъси-ри тегмасмикан?

— Жудаям ўринли савол. Театр бу улғ-даргоҳ. Бу кошонада не-не машҳур санъ-аткорларимиз ижод қилганлар, астойдил ишлаганлар. Тўғри, санъат халқники. Ле-кин баъзи актёр ва актрисаларимиз пул учун турли мақомға йўрғалаётгани ачина-рилдир. Балки бунинг ортида моддий қий-инчилик ётар. Ҳар қандай вазиятда, ёки шароитда санъатни қадрлаш шарт. Уни қимлариндир манфаати йўлида обрўсиз-

менинг ҳаётимдир. Мен бу соҳада сўнмас ва алангали муҳаббатни учратдим. Обрў ва қадр, ҳурмат ва эътибор топдим. Халқ-нинг меҳрини, оташ ҳароратини шу кас-бим ила туйдим. Бундан ортик яна нима керак менга.

— Рихси опа, суҳбатингиз якунида оқшомхонларга тилакларингиз.

— Мен бу газета жамоасига биринчи на-батда омад ва юксалик тилайман. Бундан 10 йиллар муқаддам газетангиз саҳифа-ларида менинг ҳақимда ёзишганда, мана, яна сизлар билан учрашиб турибман. «Тошкент оқишми» газетаси халқнинг энг сеvimли ва ишонган, суянч газетаси бўлиб қолсин.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Суҳбатдош Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова.

ТИЖРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

Давлат Мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқарма-си ҳузуридаги

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси то-монидан 2004 йилнинг 24,28,31 ДЕКАБРЬ кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уйда жойлашган «Hajm bloki uy qurilish tajribaviykombinati» акциядорлик жамиятининг 1986 йилда қурилган, майдони 12096 кв.м. бўлган омборхона биноси қўйилади. Бинонинг баландлиги 14,4 метр. Сув, иссиқлик, канализация ва электр тармоғи билан таъминланган. Омборхона худуди темир бетонли тўсиқлар билан ўралган. Дарвозаси темирдан. Омборхонада — 32 тонналик юк кўтарувчи 4 дона кўприкли кран мавжуд. Объектнинг бошланғич нархи 453 600 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% микдоридеги зака-лат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар кор-хонасининг «Ўзуйжойжамгармабан» Тошкент шаҳар бўлими-даги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мова-роуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефон-лар: 133-23-40; 133-02-49.

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси то-монидан 2004 йил 26,30 ноябрь ва 3,7,10,14,17,21,24,28,31 декабрь кунлари аукцион савдо-ларига қўйилган Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 3-ма-взеда жойлашган маданий дам олиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган сатҳи 0,28 га. бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи аукцион савдоларидан олинганли-гини маълум қилади.

**ЭКОЛОГ
ЖУРНАЛИСТЛАР
ФЕСТИВАЛИ**

Экологияга оид муаммоларни кенг жамоатчилик иштиро-кисиз бартараф этиш қийин. Аҳолининг экологик мадания-тини янада юксалтириш, табиий бойликларни асраш ва улар-дан оқилона фойдаланиш, барқарор ривожланишға йўналти-рилган вазифаларни омма орасида тарғиб этишда эса омма-вий ахборот воситаларининг ўрни беқийёс. Шу боис Марка-зий Осиё минтақаси эколог журналистларининг фестивалини ўтказиш анъанага айланган.

Минтақанинг бу галги эко-журналистика фестивали Тош-кентда ўтди. Тадбир Ўзбекис-тон Республикаси Табиати му-ҳофазаси қилиш давлат кўми-таси, Марказий Осиё минтақа-вий экология маркази, БМТнинг Тараққиёт дастури, БМТнинг Атроф-муҳит дасту-ри, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, «Ло-гос», «Орол ва Амударёни химоя қилиш иттифоқи» каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда мазкур фестивалнинг миллий босқичида голиб чиқ-қан Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан олти на-фардан зиёд журналист қат-нашди. Тадбирда АҚШ, Швей-цария, Норвегия, Словакия, Россия, Арманистон, Озар-байжон ва Грузиядан ижтимо-ий-экологик нодавлат ноти-жорат ташкилотлари вакил-лари, журналистлар ҳам ишти-рок этди.

Фестиваль иштирокчилари уч кун мобайнида республика-мизда фаолият юритаётган те-гишли давлат, жамоат ва халқ-қаро ташкилотлар фаолияти билан танишди.

Тадбирда Ўзбекистонда эко-логик муаммоларни бартараф этиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкид-ланди. Хусусан, атроф-муҳит мусавволиги ва биохимия хил-ликни сақлаш, Орол денгизи-нинг қуриши билан боғлиқ му-аммолар, қўлланишға қарши кураш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда жамо-атчилик иштирокини қучайти-ришға алоҳида эътибор қарати-лмоқда. Бундай хайрли иш-ларни амалга оширишда ом-мавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Фестивалда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Л.Андерсен иштирок этди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири**

Сўқибди

**МУРОСА
ЙЎЛИНИ
ТАНЛАШДИ**

Ўтган ҳафтанинг шанба кунини мамлакат XIII миллий чемпионатининг сўнги 26-тур беллашувлари ўтказилди.

Шуниси эътиборлики, ушбу турда кўтилмаган натижалар қайд этилди.

Авалло, пойтахтлик мухлислар «Пахтакор» марказий стадионида кечган «Пахтакор» — «Трактор» жамоалари ўртасидаги муро-сасиз, қизиқарли беллашувнинг гувоҳига айланишди. Тўғриси айтиш керакки, аксарият мухлислари мутахассислар ушбу баҳсда майдон эгалари осонгина галаба қозонади, деб ўйлашган эди. Бироқ, жорий йилги мавсумда анча сермазмун ўйин намойиш этиб, ажойиб галабалари билан мухлислари кўнглини шод этган «Трактор» жамоаси «Пахтакор»га муносиб қаршилик кўрсата олди.

Аҳамиятлиси, ҳар икки жамоа тезкор, ҳужумкор, комбинацияга бой, шиддатли ўйин намойиш этишиб, майдонга фақат галаба қозониш иштиёқида тушишганликларини ҳеч қимдан яшириб ўтиришмади.

Ушбу сўзимизни 6, 13-дақиқаларда дастлаб «Трактор» футболчилари Айзатулов ва Урмоновлар томонидан киритилган голлар ҳам исботлайди. Ана шундан сўнггина 0:2 ҳисобида ортда қолаётган мезбонлар ҳаракатга тушиб қолишди. Рақиблар дарвозаси томон уюштирилаётган кетма-кет хавфли ҳужумлар самара бериб, 39-дақиқада Авазов, 67-дақиқада Жепаровлар дарвозага гол йўллаб ҳисобни тенглаштиришди.

Мавсум мобайнида майдонда кам ҳаракат қилган Тожиев шу кунини ўзини кўрсатди. Меҳмонлар дарвозаси 70-дақиқада яна Тожиев томонидан ишғол этилди. Кошелевнинг 78-дақиқада «Трактор» дарвозасини аниқ нишонга олиши «Пахтакор»ни 4:2 ҳисобида олдинга олиб чиққан бўлсада, меҳмонлар иродали жамоа эканликларини исботлашди. 82,88-дақиқаларда жамоадошлари ҳужумини чиройли тарзда ниҳоясига етказган Кликунов ва Хасановлар учрашувнинг 4:4 ҳисобида яқунланишини таъминлашди.

Қолган учрашувлар қуйидагича яқунланди. «Машъал» — «Насаф» — 4:3, «Металлург» — «Навбахор» — 4:3, «Сурхон» — «Қизилқум» — 2:1, «Самарқанд» — «Динамо» — «Локомотив» — 3:1, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 2:0, «Нефтчи» — «Бухоро» — 3:1.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Токиодаги Ёшлар Олимпиада марказида болаларнинг миллий дала ўйинлари бағишланган VI халқаро фестивал ниҳоясига етди. Унда 25 мамлакат вакиллари иштирок этди ва ўзбекистонликларга энг фаол жамоа гувоҳномаси тақдим этилди.

**БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИ ОРҚАЛИ
«ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК»**

Япония Ёшлар дўстлик ассоциацияси бош директори, профессор Ю.Морита «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбатда — «Болаларимиз нафақат чуқур таҳсил олишлари, балки ҳар хил қизиқарли ва аини пайтда улар учун фойдали бўлган ўйинларни ҳам ўйнаб туришлари керак», — деди. — Сўнги 40 йил мобайнида олиб борган кузатишларим шуни кўрсатдики, болаларнинг дала ўйинлари ўсиб келган авлоднинг ҳар томонлама ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга. Бу ўйинлар юқори тарбиявий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, голиб чиқишга интилиш, эпчил ва зукко бўлиш, ўзини ҳимоя қила олиш, жамоага бириккан ҳолда курашиш каби хислатларни болага сингдиради.

Япониялик тиббиёт мутахассисларининг фикрига кўра, сўнги йилларда кун-

чиқар мамлакат болалари орасида дала ўйинларига қараганда бино ичкарисида, спорт залларида ўйналадиган ўйинлар анча оммалашган, шу туфайли боғча ва бошланғич мактаб ўқувчиларида учрайдиган айрим касалликлар, хусусан тез толиқиш, бош оғриши, иштаҳанинг пастлиги ва шу каби бошқа салбий ҳолатларнинг сони анча ортган.

Шу боис чет мамлакатлардаги миллий дала ўйинлари ҳақида кўпроқ тасаввурга эга бўлиш ва уни Японияда кенг тарғиб этиш масаласи япон мураббийлари учун долзарб вазифага айланган.

Токионинг Йойоги боғида ўтказилган болалар дала ўйинлари VI халқаро фестивали орқали икки мингдан ортиқ жажжи япон болалари ўз устозлари ҳамроҳлигида турли давлатлардаги тенгқуларнинг ўйинларини бевосита кузатиш ва

уларни ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.

Фестиваль анъаналарига кўра, ҳар бир бола кўлидаги ихчам дунё харитаси ёрдамида исталган мамлакатнинг жуғрофий жойлашувини ўзи мустақил топганидан сўнг, шу мамлакат ўйинларини аёло даражада бажариши керак. Шундагина у ўз ақл-идроки ва билими билан ўзи танлаган давлатни, қолаверса, бутун дунёни «кашф» эта олиши мумкин.

Дастурга мувофиқ, шу жойнинг ўзида болалар ўйинларининг халқаро ҳамкорлик ва дўстона алоқаларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар миллатлараро, маданий алоқаларни ривожлантириш ва халқ дипломатиясини янада жонлантиришда ушбу ўйинларнинг ҳиссаси беқиеблигини алоҳида таъкидладилар.

Анжуман ниҳоясига фестивал ташкилотчилари номидан Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонасига энг фаол жамоа гувоҳномаси тақдим этилди.

**Беруний АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА,
Токио шаҳри.**



Мажбурият

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ —
БИРИНЧИ**

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида икки кун давомида таэквондониинг VTF тури бўйича йirik халқаро мусобақалар бўлиб ўтди.

Марказий Осиё VTF таэквондо уюшмаси томонидан Ўзбекистон VTF таэквондо уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур турнирни ўтказишдан мақсад ҳам республикамизда таэквондо ривожини даражасини кўтариш, ҳакамлар малакасини ошириш эди.

300 иштирокчи галаба учун кураш олиб борган турнир қатнашчилари болалар, ўсимирлар ва катталардан иборат бўлди. Мамла-

катимиз спортчиларидан ташқари турнирда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия таэквондочилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш эттишди.

Турнир финалидаги энг қизиқарли беллашувлардан бири 55 килограммгача вазн тоифасида бўлиб ўтди. Унда МҲСК вакили Дмитрий Ким қозоғистонлик кучли спортчи Борибек Нурлибековга рубарў келди. Ушбу баҳсда ишқибозларнинг қиз-



гин қўллаб-қувватлашлари остида ҳамюртимизнинг кўли баланд келиб, мусобақа голиби бўлди.

Қолган вазиларда эса куйидаги спортчилар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. 45 килограммгача таэквондочилар ўртасида Шерзод Қулратов, 48 килограммгача вазнда Насриддин Ворисов (Тожикистон), 51 килограммгача курашчилар ўртасида Аслан Батирқулов, 59 килограммчилар орасида Шерзод Авазметов, 63 килограммгача спортчилар ўртасида Камо Ситян, 68 килограммгача вазнда Султон Касимов (Қозоғистон), 73 килограммчилар баҳсида Сергей Ходосов ва ниҳоят 78 килограммдан оғир вазилар ўртасида Қозоғистон ваки-

ли Тимур Чатоев.

Умумжамоа ҳисобида мамлакатимиз спортчилари голиб чиқиши, махсус Кубок ҳамда қаматбаҳо соҳагалар билан тақдирланди. Кейинги совринли ўринлар Қозоғистон ва Тожикистон терма жамоаларига насиб этди.

Болалар клублари ўртасида эса энг яхши натижаларга «Ивон», «Спарта» ва «Олимпия» пойтахт клублари эришишди.

Барча голиб ва совриндорлар дипломлар, қимматбаҳо соҳагалар билан тақдирланди.

**(Ўз муҳбиримиз).
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.**

**Алексей Попов ва
Наталья Семёнова
олган суратлар**

Мажбурият

ОСМОН БЕҒУБОР БЎЛСИН

«Олтин куз — болалар ниҳоясига» экологик фестивали Тошкент шаҳар табиатни муҳофазга қилиш қўмитаси ҳамда «Биозоксан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад ўқувчиларда олтин куз фаслида табиатда бўладиган ўзгаришлар, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаёти, кишилар меҳнати, куз фасли ҳақидаги тасаввурларни ривожлантиришдан иборат. Экофестивалнинг асосий вазифалари ўқувчиларда табиатни ўрга-

нишга бўлган қизиқишини ошириш, кузатиш қобилиятини, ижодий фаоллигини ўстириш, мустақил фикрлашни ва ўз фикрини ҳимоя қилишни ривожлантириш каби масалалар билан боғлиқ. Тарбиявий мақсади эса ўқувчиларда табиат компонентларининг ўзаро алоқадорлиги, му-

таносиблиги ва унда инсоннинг ўрни, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, дунёқарашини шакллантиришди. Тадбирга мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг экологик йўналишдаги 12-16 ёшдаги тўғарак ва клуб аъзолари таклиф қилинди. Унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ўқувчилари қатнашдилар. Табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва табиий муҳитни муҳофазга қилишга бефарқ бўлмаган ўқувчилар, ўқитувчилар ва жамоалар тадбир ташкилотчилари томонидан рағбатлантирилди.

Дилноза НУРМУҲАМЕДОВА.



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулда босилган.
2812 нусхада босилди. Қўғоқ биринчи А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамантаси» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.